

Қишлоқ ва ислохот

Бу бежиз эмас. Бунинг учун асослар бор. Янгийул туманидагина эмас, вилоятда ҳам оғизга тушган бу ширкат хўжалиги меҳнаткашлари ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам пахта, галла ва бошқа қишлоқ экинларидан юқори ҳосил олиб келмоқдалар. Хўжаликнинг иқтисоди мустаҳкамланиб бораётганлигидан ўзлари ҳам катта наф кўрмоқдалар.

Машинадан тушиб, бир-икки қадам юргач, ўнг ва чап томондаги очик майдонда, йўлакларда гурунглашиб гулларни парваришлаган аёлларга кўзингиз тушади. Улар билан суҳбатлашсангиз атайин гап бошлашади:

— Барака топкур раисимиз саранжом-саришталикни жуда ҳам хуш кўради-да. Эрта баҳорда бирталай кўчат келтириб бердилар. Авайлаб, тартиби билан экиб чиқдик. Яхшида, бу ерга келадиган одамлар дафъатан очилиб турган анвойи гулларга кўзлари тушиб, кўнгиллари кўтарилди, кайфиятлари чоғ бўлади.

Бошқарув раиси Абдуғани Юсупов бу фикрни яна ҳам тўлдирди:

— 2003 йил «Обод маҳалла йили». Шу муносабат билан ҳудудимиздаги 8 та маҳаллада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини кўчатиришга қаратилган қатор ишларни амалга оширишни бошлаб юборганмиз. Оқсоқолларнинг ҳар бири ўз ҳудуди шароитидан келиб чиқиб, тадбирлар ишлаб чиққан ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан қизгин иш олиб бормоқдалар. Юзта сиз-биздан, битта жиз-биз яхши дейдилар. Юринг, қишлоқни айланайлик.

Раис айтганидан ҳам зиёда ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлди. Аввало ҳар бир маҳалла кўмитаси идораси таъмирланиб, окланиб, атрофи тартибга келтирилган. Мева, зарур деб топилган ерларга эса манзарали дарахт кўчатлари экиб қўйилиди.

Ҳар қадамда ўзгаришларни сезиш қийин эмас. Дарвоқе, қишлоқда 30 мингдан ортиқ аҳоли иштирок этади. Нимаики тадбир бўлса, улар лаббай деб жавоб берадилар, фаол қатнашадилар. Ниятлари пок, талайгина режаларни кўнгилга тутишган. Энг муҳими улар эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилишни, яхшироқ яшашни шior қилиб олганлар. Ўз навбатида бу меҳнатнинг роҳатини, фарогатини амалда кўрмоқдалар. Хўжалик бошқаруви уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Моддий манфаатдорлик деҳқонларни, қишлоқ аҳолини хайрли ишларга руҳлантирувчи катта омил бўлиб хизмат қилмоқда.

СИЗДАН УГИНА...

Биздан бугина, деб бежиз айтмайдилар. Бошқарув хўжалик олдиде турган улкан ва шарафли вазифаларнинг бекам куёт бажарилишини таъмин этишнинг энг мақбул усулини қандай қилиб қўллашнинг йўлини топиб олган. Бу пудратнинг ойдин йўлидир. Тўғри, бу янгилик эмас. Муҳими шундаки, ҳар бир тармоқда бу усулнинг амалда тўла қувват билан ишлашини таъмин этмоқдалар. Чунки, ҳар икки томон ҳам ўз зиммасига юклатилган, шартномаларда кўрсатилган вазифа-шартларни катта масъулият билан бажармоқда. Ҳаётий тажрибанинг ишга солиниши, ҳалоллик, ваъдага вафо, сабр-тоқат бу масъулият юқини енгиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Хўжаликда 2 минг гектардан зиёдроқ экин майдони бор. Ана шу майдоннинг тенг ярмида галла, қолганида эса пахта, айрим дала-ларда эса сабзавот, мева-чева етиштириб келинмоқда. Бу ишлар билан салкам 800 га яқин оилавий пудратчи шугулланади.

Ҳар мавсум олдидан пудратчилар билан махсус йиғилиш ўтказилади. Улар билан яна бир бор шартнома шартларининг моҳияти, талаб ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида атрофлича суҳбатлашди, савол-жавоблар бўлади.

— Тортинмай айтаверинглар, — дейди раис, — бизга қандай талаблар бор, қандай муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишимиз зарур? Биз ўз бурчимизни тўла бажарадимики?

— Раҳмат, — дейди пудратчилар бир овоздан. — Ерларимиз кузда ўз вақтида шудгор қилиб берилди, чуқур ҳайдалди, қанақа техника бўлса, етказиб берилаяпти, ўғитдан камчилик жойимиз йўқ. Барча керакли восита-

лар билан таъминланяпмиз. Биздан фақат ҳалол ва виждонан меҳнат талаб этилади. Шунга ҳаракат қилаймиз.

— Лекин, — деб огоҳлантиради раис, — орамизда дангасалар, лоқайдларга ўрин бўлмаслиги керак. Ахир, яхши биласизлар, мен ҳам пудратчи бўламан, деб навбат кутиб турганлар талайгина. Ҳеч ким ўрнини осонликча бўшатиб бермайди. Ўз бурчини садоқат, фидойилик билан бажараётганларни маъмурият бундан буюн ҳам қўллаиди, меҳнатининг қадрига етади. Ойлик маошларни ўз вақтида етказиб бераймиз. Ялпи махсулот, ҳосилдорлик ортиб бораётганлиги — бу сизларнинг меҳнатларингиз самараси. Аминманки, ҳамиша ана шундай меҳнат қиласизлар.

Ўтган йил натижаларидан ҳарҳолда кўнглимиз тўлгандек бўлди. Ҳар гектардан режадан ошириб, 28 центнердан пахта олинди. 1020 гектар галла майдонидан эса 43 центнер ўрнига 54 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжалик бўйича режадаги 733 миллион 512 минг сўм ўрнига 1 миллиард 5 миллион 489 минг сўм даромад олинди. Соф фойда эса 130 миллион 197 минг сўмни ташкил этди. Шу ҳисобдан пахтачилардан 31 миллион 393 минг сўм фойда олинди.

...Дарҳақиқат, хўжаликда кейинги йилларда уруғлик пахта, галла етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Тумандаги кўпгина хўжа-

ликлар Ниёзбошда етиштирилган уруғлик пахта, галла билан таъмин этилмоқда. Тўғри, бунинг ўзи бўлмайди. Уруғлик етиштириш гоят сермашаққат, сабр-тоқатни талаб қиладиган иш. Алоҳида эътибор керак. Ниёзбошликлар бу ишнинг уддасидан чиқмоқдалар. Оддий



Деҳқонлар бу йил ҳам галладан мўл ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

«НИЁЗБОШ»

ТАЖРИБАСИ

Унинг асосий мазмунини изланиш, интилиш, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш ташкил этади



Дала ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида хўжалик бош муҳандиси Нурмуҳаммад Қари-мов ва механик Олим Алметовларнинг хизматлари катта.

ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Бир тонна галланинг давлат харид нархи 76 минг сўмга тўри келади. Ваҳоланки, уруғлик галланинг бир килограмми 200 сўмдан сотиб олинади. Ўтган йил якуни бўйича дала меҳнаткашларига 20 миллион сўм дивиденд тўланди. 120 миллион сўм мукофот сифатида берилди.

ОМИЛКОРГА БАХТ КУЛИБ БОҚАВЕРАДИ

Биз хўжалик кўрсаткичларига оид айрим рақамларни келтирдик. Лекин, уларнинг замирида ердан ниҳоятда омилкорлик билан фойдаланилаётганлиги, агротехника тадбирларини амалга оширишда даланинг тўпроқ, иклим шароитидан келиб чиқиб, иш қўри-лаётганлиги каби омиллар ётганлигини ҳам айтиш керак. Айрим ерларда экин икки, ҳатто, уч йилда алмашлаб экилади. Мазкур

хўжаликда эса пахта ва галла бир йилда алмашлаб экилиши қатъий қоида қилиб қўйилган. Озиқлантиришда ҳам хўжаликнинг ўзига хос усули бор десак, янглишмай-миз. Бу усул шундайки, галлага солинадиган маъданли ўғит беш босқичда амалга оширилади. Маҳаллий ўғит бир марта шарбат қилиб оқизилади. Бунинг фойдаси катта. Деҳқонларнинг айтишича қараганда, агар ерга йиллик ўғит меъёри барвақт бериб қўйилса, унинг бир қисми ҳазм бўлишга улгурмай



Ўзарларни обод ва кўркем қилишни ҳар бир қишлоқ аҳли ўзининг бурчи деб билади.

ҲАММА СОҲАГА ТЕНГ НАЗАР

Қисқаси, маҳоратли, тажрибали, ориятли деҳқонлар яшаб, меҳнат қиладиган Ниёзбошда деҳқончилик, галлачилик, пиллачилик ишларининг бориши ҳаммани мамнун этмоқда. Айрим пахтакор хўжаликларда сабзавотчилик, боғдорчиликка панжа орасидан қаралади. Лекин бу хўжаликда барча тармоқларга тенг назар ташланади. Кўпроқ даромад ва соф фойда олиш йўллари қидирилади. Ҳар йили 16-17 тонна қимматбаҳо пилла хом ашёси етказиб берилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Далаларни айланганда бунинг тўб сабаблари илганди. Одатда, кўп ҳудудларда йўл чеккалари, ариқ бўйларига экиб қўйилган тут дарахтлари бутун йил давомида қаровсиз қолдирилади. Пилла мавсуми яқинлашгандагина бу тут дарахтларининг атрофларини қолиб, сув бериб озиқлантиргандек бўладилар. Хўжаликда эса бу тадбирга янгича муносабатда бўлдилар. Мавжуд тут дарахтлари ўз вақтида қаллақланганлиги туфайли улар бир текис ва чиройли сурх навалар чикарган. Сифатли, тўйимли барг беради. Табиийки, бундай барглари истеъмол қилган пилла курти ҳосили мўл бўлади. Лекин, барг тақсимлашда ҳам қатъий тартиб ва қоида жорий этилади.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам барг кесувчи махсус бўлима ташкил этилди. Уларнинг аъзолари хонадонма-хонадон юриб, қўрт боқувчиларнинг баргга бўлган эҳтиёжини ўрганадилар ва шундан сўнггина мавсум давомида тут барги тартибли равишда кесилиб, вақтида хонадонларга етказиб берилади.

ОЛДИНДА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида дала меҳнаткашлари олдига янги вазифалар қўйилди. Бу вазифалар моҳияти қайси бир тармоқда бўлмасин, эришилган ютуқларни амалий меҳнат билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Зеро, ҳар бир ширкат хўжалиги фаолиятининг асл ўзаги, мезони ҳам шунда бўлиши керак, деб биламиз. Шу мақсадда хўжаликда қатор янги тадбирларнинг амалга оширилиши мўлжалланяпти, изланишлар давом этапти. Бу йил 200 гектар майдонда плёнка тагида пахта етиштирилмоқда. Тўғри, плёнка тагида пахта етиштиришнинг машаққатли томонлари йўқ. Лекин, бундай майдонларда етиштирилаётган пахта эртани ва ҳосилдорлиги юқори бўлади. Ана шунда чарчолар ёзилди, ортиқча сарф-харажатларнинг ўрни қопланади. Чунки пахтанинг асосий қисми биринчи ва иккинчи наваларга топширилади. Деҳқонга шуниси асқотида-да.

— Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам фармон асосида янги тадбирлар қўйилди, — дейди Абдуғани Юсупов. — Сабзавотчилик, боғдорчилик билан бирга 30 гектар майдонга Голландия навли картошка уруғи экилди. Шоли майдонлари кенгайтирилиб, 100 гектарга етказилди. Шу ҳисобдан қўшимча даромад олинди. Хуллас, ҳамма ҳаракат, ҳамма изланиш, янгиликлар, илгор тажрибаларни жорий этиш охир оқибатда соф фойданинг қўлайлиги, қишлоқларимизнинг ҳар жиҳатдан ободонлаштиришга, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатуви тармоқлар тизимини кенгайтиришга олиб келади.

Ҳа, раис ҳақ. Деҳқон ўз билими, тажрибаси, маҳоратини ишга солиб, астойдил меҳнат қилгач, шунга яраша рағбат кўради. Дилига тугиб қўйган ниятлари, режаларини бирин-кетин амалга оширади, орзу-хаваслари ижобат бўлади. Зотан, яшадан, меҳнат қилишдан мақсад ҳам баъзини шу эбаани?

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Тоza ҳаво

САМАРАЛИ ИШЛАР

Вилоятимизда «Тоza ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи давом этмоқда. Унда ички ишлар, табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш идораларининг ходимлари, жамоатчилик вакиллари қатнашмоқдалар.

Автохўжаликлар, транспорт воситасига эга бўлган корхона ва ташкилотлардаги аҳоли ўрнатилган тартибда текширилаяпти.

Вилоятнинг барча кўча ва йўллариде, айнисика, «Тошкент-Чиноз», «Тошкент-Бекобод», «Тошкент-Ўш» йўналиш-

лари бўйича йўл-патрул хизмати масканларида махсус экспонатлар ва ҳаракатчан махсус автомобиллар билан ҳар кўни малакали қарбюратор ус-таларини жалб этиб, экологик ҳолати нозир бўлган автомо-биллар аниқланмоқда. Улар жойида созланиб, ҳайдовчи-

ларга экологик талонлар тар-қатилаяпти. Бу борада мавжуд назорат-ўлчов асбобларидан унумли фойдаланилмоқда. Ҳозирги кўнганча нозир деб то-пилган 2800 та автомобилнинг экологик ҳолати созланди ва нўсонлари бартараф этилди. Булардан ташқари вилоят ҳудудиде жойлашган ёниги қўйиш тармоқлари, автомо-билларга техник хизмат кўрса-тиш устаноналари ҳам махсус гуруҳлар томонидан текширув-дан ўтказилмоқда. Шу кўнга-

ча 12 та ёниги қўйиш тар-моғи ва 24 та устанона тек-ширилди. Айни пайтда маҳал-лаларда, ташкилот ва корхо-наларда, мактаб ўқувчилари орасида экологик маданиятни тарбиялаш, атроф-муҳит му-саффолигини таъминлашга қаратилган суҳбатлар, малака-ли мутахассислар билан ўра-шувлар ўтказилаяпти.

Ҳасан ЮСУБОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
Йўл ҳаракати
хавфсизлиги бошқармаси
транспорт назорати
бўлимининг катта
нозир, милиция майори.



КУМУШКОН — СЎЛИМ ВОҲА

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Бунинг учун шароит, имконият етарли бўлиши лозим. Юртимизда ана шундай кўнглили ҳордиқ чиқариш мумкин бўлган муносиб ўйинлар талайгина. Айниқса, вилоятимизнинг Бестонлиқ, Паркент, Охангарон туманларида ана шундай соя-салқин оромгоҳ-лар доимо дам олувчилар билан гавжум бўлади.

Чоткол тоғ тизмалари ёнбағрида жойлашган «Ку-мушкон» дам олиш уйида дам олувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида республика-миз вилоятларидан йўлла-ма асосида келган 5850 на-фар кишига 247 миллион 423 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу эса ўз-ўзи-дан бўлгани йўқ, албатта. «Ўзбектуризм» миллий компанияси таркибига ўтган-дан сўнг «Кумушкон»да бар-ча ишлар янгича йўлга қўйилди. Хизмат кўрсатиш

сифатини тўбдан яхшилаш мақсадида янги биналарни қуриш, мавжудларнинг замон талаби даражасида таъмир-лаш ва жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил дам олувчиларга 257 миллион 691 минг сўмлик хизмат кўрсатиш ре-жалаштирилган. 100 ўринли физиотерапия шифохонаси қурилишини тугаллаш назар-да тутилмоқда. Бу, албатта, дам олувчилар учун янада кенг имкониятларни яратад-и.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

